

# МАХТУМҚУЛИ



# МАХТУМҚУЛИ

## шеърлари



Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти

Тошкент 2007

## Махтумқули шеърлари

***Муҳаррир:***

Абдужалил Хўжам

***Наширга тайёрловчи:***

Дониёр Шосалимов

***Такризчи:***

фил.ф.д., Баҳодир Каримов

***Техник муҳаррир:***

Абдулазиз Омонов

***Рассом:***

Шухрат Одилов

Наشريёт рақами: М-613

Босишга рухсат этилди 10.09.2007. Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>

Босма табағи 10,0 Офсет қоғоз. Адади 1000 нусхада.

33-буюртма.

ЎзРФА «Фан» наشريёти: 100047, Тошкент,

акад. Я.И уломов кўчаси 70-уй.

«STAR-POLIGRAF» ХФ босмаҳонасида чоп этилди.

Тошкент, Беруний кўчаси, 1-298.

©Д.Шосалимов, 2007 й.

ЎзРФА «Фан» наشريёти,



### Ўзбек севган туркман шоири

Махтумқули милодий 1733-йили Туркменистоннинг Атрак дарёси бўйидаги қишлоқлардан бирида маърифатли оилада туғилган. Унинг отаси Давлатмамед Озодий маърифатпарвар, гақводор бўлганлар, Шу боис Махтумқули отаси вафотига ёзган марсиясида:

*Молу давлатларга кўнгил қўймади.*

*Бу жаҳоннинг ишратини суймади...*

каби сатирларни битади.

Бўлғуси шоир илк таълимини қишлоқ мактабида олди. Сўнгра ўз даврида илм маркази бўлган кўхна Хива шаҳрига келиб, “Шерғозихон”, “Идрис Бобо” мадрасаларида ўқийди.

Куръони каримни хатм қилади, бошқа муҳим илмларни ўғаллайди, араб, форс тилларни ўрганеди.

Махтумқули Эл-юртини, оддий халқнинг дардини, Ислом динимизнинг фазилатларини чинакам ихлос, соф муҳаббат билан шеърга солади.

Шоирнинг:

*Кўнгли хаволанар отга чиққанда,*

*Тозлар зир титрайди қиё боққанда,*

*Дарёлари бол келтирар оққанда,*

*Ғовни йиқар келса сели туркманнинг...*

Ёки,

*Харом йиғар бўлди бўйлар,*

*Ботди қуну гўзал ойлар.*

*Бизларнинг бу гўзал жойлар*

*Қул, чўри бозорга дўнди...*

Ёки,

*Қўрқма номардларнинг кўп деб сонидан,*

*Қора кўрса, бари кечар жонидан,*

*Йўлин чопсин сира ўтма ёнидан,*

*Бахиллардан йироқ айла йўлингни...*

каби мисраларни ўқиган зукко шеърхонлар бу ихлос ва муҳаббат, мискинларга ҳамдардликни ўз кўнглида тугади.

Махтумқули асарлари халқона охангларда, одамлар кўнглига яқин шакилда, тилларга “ўрнашиб” қолган сўзлар билан битилган. Шу боис унинг аксар шеърлари халқ ичида ёд бўлиб кетган.

Махтумқули асарлари ўзбек тилига бир неча бор таржима қилиниб, китоб холида чоп этилган. Бу хайирли ишни илк бор





устоз Жуманиёз Шарипов 1963-йилда амалга оширган эдилар. Кўпчилик ўзбек шоирлари Махтумқули ижодидан намуналар таржима қилишган. 1995-йили эса истедодли шоир Музаффар Ахмад таржимасида Махтумқулининг яна бир китоби босилиб чиқди. Нихоят, 2004-йили таникли шоир ва таржимон Мирзо Кенжабек Махтумқулининг “ Сайланма” китобини халқимизга тухфа этди. Хуллас Махтумқулини ҳеч йккиланмай ўзбек севган туркман шоири дейиш мумкин.

*Абдул Жалил Хўжам*







## Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

### АЙЛАР

Оқил бўлсанг, яхшиларга ҳамдам бўл,  
Аҳмоқ ўзин нодон била ёр айлар.  
Чин ошиқлар нозли ёрнинг жамолин  
Бир кўрсам деб кеча-кундуз зор айлар.

Номард ғуссасидан қолибман дарда,  
Кўнгил ором топмас бир пинҳон ерда,  
Моли кўп деб меҳмон бўлма номарда,  
Жўмард фақир бўлса ҳамки бор айлар.

Номард ўз уйида мардча сўз айтар,  
Нодон эса ҳақинг танобин тортар.  
Мард йигит мол топса, химмати ортар,  
Номард фойда топса, кўнглин тор айлар.

Махтумқули, энди ўзингни кўзла,  
Яхшини таърифлаб, ёмонни тузла.  
Оз еб, оз ухлагин, яна оз сўзла,  
Кўп сўз охир эл ичида хор айлар.

### АБДУЛЛА

Сен кетгандан бери тўкқиз йил ўтди,  
Қайда ватан тутдинг, қардош Абдулла?  
Кетган одам наҳот қайтиб келмаса,  
Қайда ватан тутдинг, қардош Абдулла?

Тоққа арзим айтиб, сўрдим хабаринг,  
Лол бўлибдир тили, демас озоринг.  
Ота-онасиз недир сенинг қароринг?  
Қайда ватан тутдинг, қардош Абдулла?

Кўрқув фойдаси йўқ кетажак жонга,  
Умр охир бўлди, тўлди паймонга.





Ёки сен тушдингми тубсиз уммонга?  
Қайда ватан тутдинг, қардош Абдулла?

Устимизга ҳижрон ўти сепилди,  
Қувватим кетибдир, тизим эгилди.  
Қон йиғлаб отамнинг бели букилди,  
Қайда ватан тутдинг, қардош Абдулла?

Юзим тутиб чиқдим жондор бориға,  
Ўзим раво қилдим хижрон дориға.  
Чидолмайман уйдагилар зориға,  
Қайда ватан тутдинг, қардош Абдулла?

Элда-кўйда йўқдир менинг қарорим,  
Дард устига ортди кайта озорим.  
Ёт бўлди ватаним, уйим-рўзгорим,  
Қайда ватан тутдинг, қардош Абдулла?

Қулоқ тутдим ҳар айтилган сўзларга,  
Жафо бердинг хижрон билан бизларга.  
Ўзим урар бўлдим олов-чўғларга,  
Қайда ватан тутдинг, қардош Абдулла?

Қулиб ўйнамадик бирга шод бўлиб,  
Бошдан кетдинг бутун биздан ёт бўлиб,  
Махтумқули зор йиғлайди мот бўлиб,  
Қайда ватан тутдинг, қардош Абдулла?

## АЙРИЛДИМ

Булбулман, оху зор чекиб,  
Тоза гулзордан айрилдим.  
Кўздан қонли ёшим тўкиб,  
Ул севар ёрдан айрилдим...

Ёрга ярашар уч муча <sup>1</sup>,  
Сифатин сўйлайин анча.

---

<sup>1</sup> Муча - йил хисоби.





Лаби шакар, оғзи ғунча,  
Ул зулфи тордан айрилдим.

Ширин жонда йўқдир токат,  
Жабри унинг жонга роҳат,  
Қошлари фитнайи офат,  
Чашми хунхордан айрилдим.

Айрилдим ғунча гулимдан,  
Қора сочли сунбулимдан,  
Хушовозли булбулимдан,  
Ширин гуфтордан айрилдим.

Телба кўнглим орзумони,  
Барча гўзалларнинг хони,  
Саккиз жаннатнинг бўстони,  
Ул мевазордан айрилдим.

Эллари бор кўк увотли,  
Салқин сувли, яшил ўтли,  
Юрти гўкланг, Менгли отли  
Нозли дилдордан айрилдим.

Махтумқули ошиқ-мастон,  
Бағишлаб шаънига достон,  
Манзилгоҳи боғу бўстон,  
Олма-анордан айрилдим.

## АРМОНИМ

Дардли дилбар, тиллашайлик, кел бери!  
Тўлиқдир менинг ҳам дилда армоним.  
Мен ҳам истар эдим сендай бир ёрни,  
Сени сўраяпман, йўқдир ёлғоним!

Кенгаш қилдим, бегонаю танишлар  
Дедиларки: «Бол яхшига келишар»,  
Саҳар пайти қилганимда нолишлар,  
Факат бир ёр менинг эсга олганим.







Билганга ўхшайсан қиймат дурга сан,  
Танимасга олиб, боқма ерга сан,  
Тангри қисмат этса, менга тегарсан.  
Сенсан менинг ёрим, сенсиз – ўлганим!

Ҳар дилбарким, кўнглим уйин ёритар,  
Бахтга етар. Яра дилни хоритар.  
Қарғишим тошларни мумдай эритар,  
Ниҳолдай ўсади олқиш қилганим.

Сенинг кўркинг кўкда кундан кам эмас,  
Гул ҳидлаган тўйдим демас, ғам емас,  
Махтумқули, жон бермаса, бахт келмас,  
Сенсан меҳрим бериб назар солганим!

## АЙЛАНДИ

Дўстлар, Худо берган давлат  
Бизнинг эллардан айланди.  
Яхши замон, яхши зийнат  
Замин лойига булғанди.

Бердим фалакнинг божини,  
Юрар йўли – хирожини,  
Ёр яшириб кўз-қошини,  
Нозлар айлабон тўлғанди.

Қочар бўлди фалак писиб,  
Токка қувди бизни қисиб.  
Нозли ёрим секин босиб,  
Лайли, Шириндек солланди <sup>2</sup>.

Шамоллар келар уммондан,  
Тоғ боши озод тумандан.  
Асал чашмаси – забондан,  
Хўш, кимларнинг меҳри қонди?

---

<sup>2</sup> Солланди – бу ўринда журъат маъносида





Қилсам жоним ёр қурбони,  
Ёрсиз найлайин жаҳонни?  
Мард ошиқнинг ширин жони  
Ишқинг оловида ёнди.

Бир хумойни қўлга олсак,  
Ажратарлар ҳамроҳ бўлсак.  
Нажд тоғига чиқмоқ бўлсак,  
Бизларга Мажнун қарғанди.

Ҳамроҳ бўлдим ғафлат билан,  
Юрар бўлдим фасод билан,  
Доим, найлай, кулфат билан -  
Мардона сийратим<sup>3</sup> синди.

Тортар бўлдим қайғу-ҳасрат,  
Бошимдан кетмади фурқат,  
Ориф аҳли бўлиб вафот,  
Фоний жазосидан тинди.

Дунё хижрон тўнин ёпиб,  
Фалак ўтар бўлди тепиб,  
Қанчалар дуне деб чопиб,  
Ҳаром-хариш мол қозонди.

Яратганим қилмас назар,  
Фалак – аркон қурар бозор.  
Номус учун тортишган эр  
Мажруҳхассага таянди.

Ортди бу жоннинг озори,  
Бўлмади кўнгил қарори,  
Махтумқули, ёр аждари  
Афсун уриб, кўп товланди.

---

<sup>3</sup> Сийрат - сурат, қад-қомат.





Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/449> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/449> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную  
версию можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/449>